БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 107 (5698).

10

Май 1985 й.

ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси буюк ва унутилмасдир. Бу ғалаба янги-янги ютуқларнинг илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Биз жуда катта бунёдкорлик режаларини амалга ошириш, Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш ва уни янада равнақ топтириш учун ана шу манбадан ҳамиша куч-ғайрат олаверамиз.



МОСКВА. 1985 ЙИЛ 9 МАЙ. Қизил майдон. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейи минбарида.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Барча мамлакатлар халқларига, парламентларига ва ҳукуматларига»

МУРОЖААТНОМАСИ

Жаҳонга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган фашизмга қарши эрксевар халқларнинг кураши қирқ йил муқаддам ғолибона тугаган эди.

Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган жаҳоншумул тарихий Ғалабага гитлеризмга қарши коалициядаги мамлакатлар халқлари ва армияларининг, партизанларнинг, қаршилик ҳаракати жангчиларининг, антифашистлар, демократлар ва ватанпарварларнинг, озодлик учун курашган миллион-миллион кишиларнинг ялпи куч-ғайратлари туфайли эришилди.

Фашизм ва агрессия кучларини тор-мор қилишга, инсониятни асоратдан сақлаб қолишга Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшганликларини ҳамма эътироф қилган.

Гитлерчилар фашизми Европа ва жаҳон цивилизациясининг ўзига таҳлика солган эди. Иккинчи жаҳон уруши 50 миллион кишининг ёстиғини қуритди. Совет Иттифоқига қарши бошланган уруш унинг 20 миллион ўғил ва қизини нобуд этди. Уруш алангасида қақшамаган оила қолмади. Қайғу-аламимиз ҳеч қачон унут бўлмайди, ҳалок бўлган аскарларнинг рафиқалари, оналари ва етим қолган болалари мусибати тасалли топмайди. Агрессор миллий бойлигимизнинг учдан бирини нобуд қилди. Уруш фожиаси ҳам, Буюк Ғалаба нашидаси ҳам халқ хотирасида доимо сақланади. Урушнинг даҳшатли ва ибратли сабоқларини эсдан чиқариб бўлмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм ҳалокат хавфини солган бир пайтда турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар умумий душманга қарши бирлашишга муваффақ бўлган эдилар, ягона умумбашарий мақсад — озодлик ва тинчлик йўлида самарали сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлик қилиш мумкинлигини исботлаган эдилар. Ҳозир ҳам халқларнинг жипслиги дунёни ядро урушига судраётган кимсаларнинг йўлига қудратли тўсиқ қўйишга қодирдир. Эндиликда тинчлик ва тараққиёт кучлари реакция ва агрессия кучларидан бекиёс қудратлироқдир.

Уруш тамом бўлганидан кейин Совет Иттифоқи янги фалокатнинг олдини олишда, қуролсизланиш учун, низоли проблемаларни музокаралар йўли билан тинч бартараф қилиш учун курашда куч-ғайратларини аямади. 1945 йил кўкламидан буён Европа халқлари тинчлик шароитида яшаб турибдилар. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи давлатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро турмушда ўзига тобора кўпроқ йўл очиб бормоқда.

1975 йил 1 августида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар Хельсинкида имзолаган Якунловчи Актда «ўзларининг ўтмишдаги муносабатлари характеридан келиб чиқадиган қаршима-қаршиликни бартараф этиш ва яхшироқ ҳамжиҳатлик» йўлларини белгиладилар. Давлатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан кескинликни юмшатиш асослари яратилди, у ўзининг ҳамма учун шак-шубҳасиз устунликларини ва афзалликларини кўрсатди.

Ғалабанинг 40 йиллигини халқлар АҚШ билан НАТОнинг ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга, Совет Иттифоқидан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлардан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган йўли натижасида вужудга келган кескин ва хатарли вазиятда нишонламоқдалар. Бироқ, дунёга ҳукмронлик қилиш, бошқаларга, шу жумладан Совет Иттифоқига ўз иродасини қабул қилдириш йўлидаги умидлар асоссиз ва барча халқлар учун хатарлидир.

Европадаги аҳвол жиддий хавотирлик туғдирмоқда, бу қитъа вайронгарчилик келтирган иккита жаҳон уруши қирғинини бошдан кечирди. Бу ерда қуролли кучлар ва аслаҳахоналарнинг жуда катта қудрати бир-бирига бевосита бақамти бўлиб турибди; Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба урадиган ракета-ядро қуролини жойлаштириш давом эттирилмоқда, уруш якунларини ва урушдан кейинги ривожланиш натижаларини, аввало Европада урушдан кейинги сиёсий ва территориал реалликлар мавжудлигини шубҳа остига қўйишга уринаётган реваншчи доиралар бош кўтара бошлади.

Европа ва унинг ташқарисидаги муайян кучлар урушдан кейинги тинчлик пойдеворига асос солган Ялта ва Потсдам тарихий битимларини қўпоришдан иборат ўз хатарли режаларидан воз кечмаяптилар. Бу битимлар қирқ йилдан бери европаликларнинг хавфсизлиги манфаатларига пишиқ-пухта хизмат қилиб келмоқда, милитаристлик ва реваншчилик муддаолари учун тўсиқ бўлиб турибди. Бу битимларга ҳамла қилиш йўлидаги ҳамма уринишлар, мағлубиятга маҳкумдир.

Ер юзи — барча халқларнинг, бутун инсониятнинг муштарак уйидир. Совет халқига ўзгаларнинг ерлари керак эмас. Биз ўз дунёқарашимизни, ўз турмуш тарзимизни ҳеч кимга тиқиштираётганимиз йўқ. «Салб юриши» ва «психологик уруш» жарчилари «совет ҳарбий хавфи» деган ҳавойи гаплар билан халқаро жамоатчиликни йўлдан оздиришга беҳуда уринмоқдалар. Тарих, шу кунниг аниқ-равшан фактлари бошқа нарсадан дарак бермоқда. Совет Иттифоқи ҳеч қачон ҳеч кимга ҳужум қилган эмас, аммо ўзи агрессорларнинг тажовузларини неча марталаб даф қилишга мажбур бўлган. Энди бунёдкорлик, ривожланган социализм жамиятини янада такомиллаштириш учун совет халқига тинч шароитлар керак. Ёпасига ва батамом қуролсизланиш, мустаҳкам, одилона тинчлик — бизнинг олий мақсадимиз, доимий ишимиздир.

Тинчликни сақлаб қолиш Коммунистик партия билан Совет давлатининг юксак мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бизга В. И. Ленин васият қилган тинчликсевар ташқи сиёсат СССР Иттифоқи Конституциясида мустаҳкам белгилаб қўйилган. Бу сиёсат социалистик жамият табиатининг ўзидан келиб чиқади.

Уруш тақдири азалга ёзилган муқаррар бир нарса эмаслигига ишончимиз комил. Ядро урушни бошлашни оқлай оладиган мақсадлар бўлиши мумкин эмас. Халқаро масалаларнинг ҳар бирини музокаралар орқали ҳал этиш мумкин. Кескинликни юмшатиш ва амалий ҳамкорлик халқаро турмушнинг табиий, доимий ҳолати бўлиши мумкин ва лозим. Ақл-идрок тентаклик устидан, телбалик устидан ғолиб чиқиши керак.

Совет Иттифоқи халқлар ва давлатларни, уларнинг парламентлари ва ҳукуматларини космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, ядро қуролини чеклаш, қисқартириш, сўнгра эса батамом йўқ қилиб ташлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга чақиради.

Космос ҳарбийлаштириб турилган шароитда ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан бир битимга келиб бўлмайди. Космик фазони ҳарбийлаштириш барча жабҳалар бўйлаб назоратсиз қуролланиш пойгасини авж олдириб юборган бўлур эди, унинг янги, янада хатарли даврасига, стратегик барқарорликни кескин камайтиришга олиб борган бўлур эди.

Ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни муайян нормаларга бўйсундириш оқилона иш бўлур эди. Бу нормалар, бизнинг назаримизда ядро урушининг олдини олишни, бу урушни тарғиб қилишдан воз кечишни, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик, унинг ёйилишига йўл қўймаслик ҳамда ядро қуролларини қисқартиришга, бора бора бу қуролларни батамом тугатишга ҳаракат қилиш мажбуриятини олишни назарда тутиши лозим. Совет Иттифоқи мана шундай нормаларни биргаликда эътироф этиш ва унга мажбурий тус бериш тўғрисида бошқа давлатлар билан исталган вақтда келишиб олишга тайёр.

(Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИК— ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ҚОЛАМИЗ!

Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига Москвада парад

Ғалаба! Халқимиз урушнинг жуда узоқ давом этган 1418 куни ва туни мобайнида жанг қилиб, Ғалаба келишига ишонди. Бу ишонч гитлерчилар Москвага зўр бериб интилаётган кунларда ҳам, фашистлар Ленинградни қамал халқаси билан бўғиб ташлашга уринган фожиали пайтларда ҳам бизни тарк этмади. Совинформбюро маълумотларида Волга соҳилларидаги, аланга ичида қолган Сталинграддаги қонли жанглар тўғрисида хабар бериб турган кунларда ҳам ишончни йўқотмадик.

Урушнинг биринчи куниёқ совет пойтахтидан бутун дунёга: «Бизнинг ишимиз ҳаққоний, душман тор-мор этилади. Биз ғалаба қозонамиз», — деган сўзлар янгради, қурашаётган халқ бу сўзларни қасамёддек такрорлади.

Ғалаба куни ҳам келди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари партия раҳбарлигида гитлерчилар фашизмини тор-мор этиб, социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини, Октябрь ишини қаттиқ ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга Европа халқларини халос этди, жаҳон цивилизациясини қутқариб қолди. 9 май куни Москвада бўлиб ўтган парад совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди.

Тарихимиздаги кўпгина шонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган Қизил майдон тантанавор ва кўркам. ГУМ биносида В. И. Ленин портретини кўрамиз. Совет кишилари улуғ Ленин ғояларидан куч-қудрат олдилар. Портретнинг ҳар иккала томонида электр чироқлари билан: «1945—1985» саналари белгилаб қўйилган.

Майоннинг байрам либоси тимсолида Советлар мамлакати яшаб, қурашаётган идеаллар ўз ифодасини топган. Панноларнинг бирида: «Тинчликни сақлаб қолдик — тинчликни ҳимоя қилиб қоламиз!» — деган сўзлар қасамёддек эшитилади. Паннода турли авлодларга мансуб кишилар «Ғалаба» ордени фонида бир саф бўлиб сўзларни қасамёддек такрорлайди.

Бошқа бир монументал полотнога «Халқ билан партия—якдил!» сўзлари ёзилган. Партиянинг кучи халқ билан бирликдадир, халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир. Биз КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган кунларда бу ҳақиқатни алоҳида теранлик билан англаймиз. Бу съезд мамлакатни ривожлантиришда бутун бир босқич даври бўлиб қолади.

Кремль деворида — совет халқлари бузилмас дўстлигининг рамзи — Совет Иттифоқи герби билан иттифоқдош республикаларнинг гербларини кўрамиз. Улуғ Ватан уруши даврида совет халқлари бузилмас дўстлигининг қудратли кучи жуда зўр намоён бўлган эди.

Қизил майдонда қўшинлар парад бўлинмалари тўрт бурчак шаклида аниқ саф тортиб турибди. Ғалабани курашиб қўлга киритган кишилар Ватан ҳимоячиларининг ёш авлоди билан бир сафда турганликлари юксак рамзий маъноga эга. Биз бугун уларни ветеранлар деб атаймиз. Бу кишилар мамлакатни жангда ҳимоя қилиб қолдилар. Бундан оғирроқ жанг тарихда бўлмаган эди. Кейин эса уларнинг тинч меҳнатни қўмсаб қолган қўллари душманни абадий йўқ этиб юборишга умид қилган ҳамма нарсаларни вайроналардан тиклади. Тилларда достон бўлган бу кишилар ҳозир ҳам сафдадирлар. Бу достон одамни ҳайратда қолдирадиган достон бўлиб, ундаги ҳамма нарса ҳақиқатдир. Бугун улар ўз жасоратлари билан бирга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли фан ва маданият арбоблари бор.

Фашизмни тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган совет халқининг жасоратига ҳурмат-эҳтиром билдириш учун чет эллардан жуда кўп меҳмонлар келишган. Чет мамлакатларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ҳозир бўлишган.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини «Ура!» деб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда.

Рақамлари остида гўё тарих лаҳзаларини зичлаб сақлаётган Кремль курантлари ўн марта бонг уриб, баҳор сокинлигини бузади.

(Давоми 2-бетда).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги байрами муносабати билан 9 Май куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими уюштирдилар.

Қабул маросимида М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳарбий бошлиқлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Шуҳрат ордени ва Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла нишондорлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Залда социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, коммунистик ва ишчи партияларнинг намояндалари, озодликка чиққан мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, социалистик, социал-демократик партиялар ва бошқа партияларнинг вакиллари, давлат арбоблари, халқаро демократик ва чет эл жамоат ташкилотларининг намояндалари, чет эллик уруш ветеранлари, бошқа ажнабий меҳмонлар бор эди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар. Руҳонийларнинг намояндалари, журналистлар ҳам бор эди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Дўстлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Бугун халқимиз Улуғ Ватан урушидаги тарихий Ғалабанинг қирқ йиллигини гантанали равишда байрам қилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан уруш ва меҳнат ветеранларини, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини шу шонли сана билан астойдил табриклашга ижозат бергайсизлар.

Фашизмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун биргаликда олиб борилган курашдаги барча дўстларимиз ва сафдошларимизни, чет эллик ҳамма муҳтарам меҳмонларни қизғин табриклашга ҳам ижозат бергайсизлар.

Биз, совет кишилари учун 9 Май—алоҳида байрам. Шу куни биз, гитлерчи босқинчиларни тор-мор этган, Ватанинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган халқимизнинг, шавкатли қуролли кучларимизнинг мислсиз жасоратига офаринлар айтамиз. Зотан, биз дунёдаги биринчи социалистик давлат иккинчи жаҳон урушини Ғалаба билан тугаллашда, инсониятни фашизм вахшийлигидан қутқариб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги билан фахрланамиз.

Гитлеризмга қарши коалициядаги мамлакатларнинг халқлари, халқ озодлик армияларининг жангчилари, партизанлар ва яширин шароитда иш олиб борган кишилар, фашизмга қарши қўзғолончиларнинг, қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари умумий душманга қарши курашга катта ҳисса қўшганликларини совет кишилари унутганлари йўқ-ва ҳеч қачон унутмайдилар.

Халқимиз гуркираб ўсаётган тузумнинг реакция кучлари устидан тантанаси, совет жамиятининг мустаҳкам бирлиги, СССР халқларининг енгилмас дўстлиги, авлодларнинг революцион давомийлиги рамзи бўлган Ғалаба кунини азиз ва мўътабар билиб эъзозлайди.

(Давоми 2-бетда).

Иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Барча мамлакатлар халқларига, парламентларига ва ҳукуматларига»

МУРОЖААТНОМАСИ

(Боши 1-бетда).

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг қирқ йиллиги айёмида Совет Иттифоқи ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз ташаббуси билан зиммасига олган мажбуриятини тасдиқлайди ва ҳали шундай мажбурият олмаган бошқа ядровий давлатларни ўз зиммаларига шундай мажбуриятлар олишга яна бир бор даъват этади.

Совет томони Стокгольм конференцияси қатнашчиларига тақдим этган «Ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини давом эттириш тўғрисидаги Шартноманинг асосий қоидалари» номли ҳужжат кескинликни юмшатиш манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу ташаббус конференциянинг асосий мақсадига эришишига қаратилган. Бир-бирига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ҳам, оддий қуролларни ҳам ишлатмаслик ва, бинобарин, бир-бирига қарши умумий ҳарбий куч ишлатмаслик мажбурияти таклиф этилаётган шартноманинг энг асосий қоидаси бўлиб қолган бўлур эди.

Биз Европа давлатлари, АҚШ ва Канада ҳукуматларини Европа қитъасини ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан батамом мусаффо қилиш учун самарали қадамлар қўйишга чақирамиз. Европа химиявий қуролдан ҳам халос этилиши керак. Болқон ярим оролида, Европа шимолида ва қитъанинг бошқа районларида ядросиз зоналарни вужудга келтириш, ҳарбий ҳаражатларни кўпайтирмаслик ва қисқартириш бу ерда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди.

Совет Иттифоқи Европада ишончни мустаҳкамлаш чораларига, хавфсизлик ва қуролсизланишга бағишланган Стокгольм конференциясида, шунингдек Марказий Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларида қатнашувчи давлатларни ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш учун ҳеч кечикмай зарур чораларни кўришга даъват қилади.

Мамлакатимиз Яқин Шарқдаги, Марказий Америкадаги, Жанубий-Шарқий Осиёдаги ва бошқа регионлардаги аҳволни тинч воситалар билан бартараф этиш, давлатлар ўртасидаги кескинлик ва можаро манбаларини уларнинг ички ишларига аралашмай тугатиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Совет кишилари бошқа халқлар билан биргаликда Намибияга мустақиллик берилишини, ЖАРдаги ирқчилик тугатилишини қатъият билан талаб қилмоқдалар.

Биз бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда халқаро иқтисодий муносабатлар одилона демократик негизда қайта қурилишини, ҳар қандай шакldаги эксплуатациядан воз кечилишини ва савдо-иқтисодий алоқалардан сиёсий тазйиқ воситаси сифатида фойдаланишдан воз кечилишини талаб қилаберамиз. СССР социал ва миллий зулмга қарши, ирқий камситиш ва қирғин сиёсатига қарши, чинакам демократия ва тенглик учун, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар инсоннинг реал ҳуқуқлари ва озодлиги учун курашаётган барча кучларни бундан буён ҳам изчиллик билан қўллаб-қувватлайверади.

Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг халқаро қуроли бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли ва самарадорлигини янада кўтаришга, унинг Уставида эълон қилинган «келажак авлодларни уруш кулфатларидан ҳалос қилиш», «яхши қўшнилар каби бир-бири билан иноқ бўлиб бирга яшаш» деган юксак мақсадни амалга оширишга актив кўмаклашиш муштарак мақсадларга мос бўлиб тушади. Биз БМТнинг халқлар ва давлатларга фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг қирқ йиллигини нишонлаш тўғрисида қилган даъватини табриклаймиз. Бундай қилиш иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган миллион-миллион кишиларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш бўлади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш—фашизмга қарши курашда қатнашган кишиларнинг ҳам, урушдан кейин туғилган кишиларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Совет Иттифоқи барча давлатларнинг, уларнинг парламентлари ва ҳукуматларининг ялпи тинчликни сақлашдаги юксак вазифасини эътиборга олиб, тинчлик ва инсониятнинг тақдири учун масъулиятни англаб барча халқларга, парламентларга ва ҳукуматларга мурожаат этади ва ақл-идрок овозига қулоқ солишга, ядровий фалокат ўпқонига тойиб боришни биргаликдаги актив ғайрат-ҳаракатлар билан тўхтатишга, янги урушнинг йўлини тўсишга, ядро қуролини батамом тугатишга ҳаракат қилишга чақиради. Совет Иттифоқи тинчликка фойда келтирадиган ҳар қандай ташаббусни, ҳар қандай таклифни кўриб чиқишга тайёр.

Буюк Ғалабанинг қирқ йиллиги халқлар ва давлатларнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ялпи куч-ғайратларига янги қудратли омил бахш этсин. Инсоният XX асрни муваффақиятли тугаллаб, XXI асрга ўз келажагига ишонч билан қадам қўйиши мумкин ва лозим.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИК— ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ҚОЛАМИЗ!

(Боши 1-бетда)

Парад қабул қилувчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов Спасск минораси дарвозасидан очиқ машинада чиқиб келади. Министр парад қўмондони армия генерали П. Г. Лушев ҳамроҳлигида майдонни айланиб чиқиб, парад қатнашчиларини Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги билан қутлайди. Бунга жавобан жуда кўп кишиларнинг «Ура!» садоси янграйди.

Маршал С. Л. Соколов майдонни айланиб чиққандан кейин Мавзолей минбарига кўтарилади ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ С. Л. СОКОЛОВ нутқи

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партизанлар ва подпольечилар, мамлакат ичкариси меҳнатчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан сизларни умумхалқ байрами — совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Бундан қирқ йил муқаддам фашист агрессорларини тор-мор этиш ниҳоясига етказилган эди. Ватанимиз тарихида Улуғ Ватан урушидан кўра даҳшатлироқ синов бўлмаганди. Бу урушда жаҳонда биринчи социалистик давлат тақдири, жаҳон цивилизацияси тараққиёти ва демократиянинг келажаги ҳал бўлаётган эди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари фашизм устидан қозонган тарихий Ғалаба Советлар мамлакатининг куч-қудрати ва енгилмаслигини, унинг ғоят катта иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий имкониятларини яққол кўрсатди. Ғалаба партия билан халқнинг метиндек бирлигини, ишчилар синфи, қолхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари иттифоқининг бузилмаслигини, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигини, марксча-ленинча идеологиянинг буюк кучини ёрқин намойиш этди.

Совет Иттифоқининг ғалабаси— унинг Қуролли Кучлари, илғор совет ҳарбий фани, ҳарбий кадрларимиз саркардалик санъати ва жанговар маҳорати эришган ғалабадир. Инсоният ҳали душман билан шафқатсиз олишувда совет жангчилари ва партизанлари кўрсатгандек оммавий қаҳрамонлик, шон-шавкат, мардликни ва ғалабага бўлган иродани кўрмаган эди.

Мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар уруш йилларида буюк жасорат кўрсатдилар. Ғоят катта қийинчиликларга қарамай улар душманни тор-мор этиш учун тобора кўпроқ ҳарбий техника ва қурол-яроғ тайёрладилар, армияни ҳамда мамлакатни барча зарур нарсалар билан таъминлаб турдилар.

Ленинчи Коммунистик партия ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Унинг даъвати билан бутун мамлакат фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангига отланди, ягона жанговар лагерга айланди. КПСС чинакам жанг қилаётган партия бўлган эди. Коммунистлар душманга қарши курашнинг энг машаққатли ва ҳал қилувчи участкаларида турдилар. Улар шахсий намунаси, эҳтиросли партиявий сўзи билан совет кишиларини руҳлантириб, ўзларига эргаштирдилар.

Халқимиз Югославия, Польша, Чехословакия, Болгария, Руминия, Албания ҳарбий қўшилмалари, партизан армиялари ва отрядлари, Венгрия ҳарбий қисмлари жангчиларининг, қаршилик кўрсатиш ҳаракати ва антифашист подпольеси қатнашчиларининг фашист босқинчиларига қарши фидокорона курашини ҳамиша ёдда тутиб, унга муносиб баҳо беради. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Гитлерга қарши коалициядаги бошқа давлатларнинг халқлари ва армиялари иккинчи жаҳон урушида ғалабага эришишга катта ҳисса қўшдилар. Ўз халқларининг содиқ фарзандлари, оташин ватанпарвар - интернационалистлар бўлган коммунистлар озодлик курашининг биринчи сафларида бордилар.

Буржуа пропагандаси тарихни бузиб кўрсатиш, иккинчи жаҳон урушини бошлаган кимсалар эммасидан жавобгарликни олиб ташлаш, фашист босқинчиларни тор-мор этишда СССРнинг ролини камситиш учун кўп куч сарфламоқда. Аммо ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ғалабага, Европа халқларини фашистлар қуллигидан озод қилишга, жаҳон цивилизациясини қутқариб қолишга айни Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшганлиги бутун дунёга маълум. Биз 20 миллион совет кишисини қурбон қилиб, ғалабага эришдик ва биз буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Империализмнинг зарбдор кучлари тор-мор этилганлиги унинг позицияларини заифлаштирди, капитализм умумий кризисини кескинлаштирди ва чуқурлаштирди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва у муваффақиятли ривожланмоқда.

Урушнинг даҳшатли синовларини бошидан кечирган совет халқи социалистик Ватан ҳимоячилари жанг қилган идеаллар йўлида янги зафарлар учун ҳаётий куч-қудратга тўлиб-тошгандир. Давлатимиз қудрати ўсаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлигини, партиянинг улуғвор режалари амалга оширилаётганлигини зўр ифтихор билан кўриб турибмиз.

Барҳаёт революцион марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган Коммунистик партия совет халқини Ленин кўрсатган йўлдан комил ишонч билан бошлаб бормоқда. Коммунистик партиянинг барча ишлари ва фикр-ўйлари совет халқи фаровонлигига, коммунизм қурилишига қаратилган. Мамлакат ҳаётидаги ғоят муҳим воқеа — КПССнинг навбатдаги XXVII съезди яқинлашиб келаётганлиги бизнинг бунёдкорлик меҳнатимизга қудратли ижодий куч-ғайрат бағишламоқда.

Партиямизнинг, Совет давлатининг куч-ғайрати социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлашга, социализм позицияларини кучайтиришга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципларни қатъий ва изчиллик билан амалга оширишга, империализм авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Совет Иттифоқи ядро урушининг олдини олиш ҳамда халқларнинг ишонч ли хавфсизлигини таъминлаш учун, халқаро кескинликни камайтиришга, барча давлатлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини ўрнатишга олиб борадиган амалий тадбирлар учун курашиб келди ва курашмоқда.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда Совет Иттифоқи ҳолис ният кўрсатишга, бошқа давлатлар билан бирга уруш хавфини камайтиришга қаратилган ўзаро мақбул битимлар йўлини сабот билан излаб топишга тайёрдир. Аммо Совет Иттифоқи шуни қатъий қилиб айтадики, совет кишиларининг тинч меҳнатига, совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига ҳар қандай тажовуз қилувчиларни интиқом кутиши муқаррар. Бизнинг шонли Қуролли кучларимиз бунинг учун барча зарур нарсаларга эга.

Совет Қуролли кучлари социализм ғалабаларини ҳимоя қилишдан иборат тарихий вазифасини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг армиялари билан бир сафда туриб бажармоқдалар. Шу кунларда 30 йиллиги нишонланаётган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар халқлари ва армияларининг қардошлик иттифоқи ўз халқларининг тинч меҳнатини таъминлаш, агрессив империалистик кучларни тийиб туришнинг қудратли омили бўлиб, қардош мамлакатлар шу Шартноманинг амал қилиш муддатини яна 20 йилга узайтиришга қарор қилганлиги мутлақо қонуниятлидир.

Совет жангчилари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март ҳамда апрель Пленумларининг қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқуллашмоқдалар. Жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган, қаҳрамонона анъаналарга содиқ бўлган совет жангчилари қисмлар ва кемаларнинг жанговар шайлигини ҳарбий соҳадаги қизғин меҳнат билан мустаҳкамламоқдалар, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб адо этишга ҳамиша тайёр бўлиб турибдилар.

Фашист босқинчиларга қарши курашда совет Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб қолган СССР Қуролли кучларининг жангчилари—Улуғ Ватан урушининг ветеранларига, халқ лашкарларининг жангчиларига, партизанлар ва подпольечиларга, мамлакат ичкариси меҳнатчиларига, хотин-қизларга, олимлар ва маданият арбобларига шон-шарафлар бўлсин!

Ҳозирги ва келгуси авлодларнинг озодлиги ҳамда бахт-саодати учун фашизмга қарши шафқатсиз жангларда ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг хотираси абадий яшасин!

Яшасин қаҳрамон совет халқи—ғолиб халқ ва унинг шавкатли Қуролли кучлари!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Ура!

* * *

Майдон ўзра уч карра «Ура!» садоси жаранглайди. Совет Иттифоқи Гимни ижро этилади. Артиллерия салютининг садолари гимннинг улуғвор оҳангига қўшилиб кетади.

Салют садолари бизни 45-йилнинг ўша унутилмас май кунига қайтараётган хотира жумбоқ — гумбирламоқда. Ўшанда мамлакат ғалабадан хабар топган эди. Аслини олганда, ўшанда кун эмас, балки тун эди. 8 май куни кечқурунданоқ радио орқали эшиттиришлар, арталаб соат уч яримгача давом этиши эълон қилинган эди, бутун мамлакат ҳам уруш даври турмушининг ажралмас қисми — радиодинамикларнинг тарелкаларига қулоқ тутиб турди. Қувончли хабар — Германия таслим бўлди деган хабар тунги эфир орқали ёйилганда Спасск минорасидаги соат 2.10 минутни кўрсатаётган эди.

Газеталарнинг тахламлари биз учун ғалабанинг энг биринчи байрами бебаҳо тафсилотларини сақлаб қолган. СССР Олий Совети Президиумининг 9 майни «Умумхалқ тантанаси куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони газеталарнинг эрталабки сонларида босиб чиқарилган эди, аммо бу Фармон эълон қилинмасдан олдиноқ кучга кирган эди: умумхалқ тантаналари шу туннинг ўзидаёқ бошланиб кетганди. Минг-минглаб кишилар бейхтиёр Қизил майдонга, Ленин Мавзолейи томон ёғилиб келишди.

«Сизлар кимсизлар? —деб сўрадик биз майдонга яқинлашиб келаётган колоннадан. — Ҳамкасбларимиз 45-йилда шундай репортаж олиб боришган эди.

— Халқ! Биз — халқмиз! — деб тушунтирди овозлар бараварига...»

Дарҳақиқат бу — ҳамма учун битта ва ҳамма курашиб қўлга киритган ғалабани байрам қилаётган халқ эди. Радиода эшиттирилган хабардан кейин бир соат ўтар-ўтмас бутун Москва байрам байроқлари билан безатилган эди. Одамлар бир-бирини қучоқлар, ўпишишарди. Ўша соатларда нотанишлар йўқ эди. Бир овоздан айтилган «Ура!» садолари остида кимлардир матрос кийимидаги уч йигитни ва гимнастёркасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони юлдузи тўла танкчини осмонга ирғита бошладилар. Ҳеч ким эълон қилмаган биринчи намойиш ҳам бошланиб кетди,— қизил байроқчалар кўтариб олган ёшлар ҳалойиқ орасидан ўтиб боришмоқда...

Газеталарда байрам тантаналарининг шундай бир унутилмас воқеаси ҳам сақланиб қолган: Москва қисмларидан бирининг гарнизон навбатчиси майор Н. Иванов ичига сиғмаётган қувончини қисқа рапорт сатрларида изҳор этишга ҳаракат қилиб: менинг навбатчилигим вақтида Улуғ Ватан уруши тугаганлигини маълум қиламан, деган эди...

9 май кечқурун эса Москва порлоқ ғалабага эришган Қизил Армиянинг шавкатли қўшинларига, Ҳарбий Денгиз Флотининг кемалари ва қисмларига Ватан номидан мингта тўпдан ўттиз марта ўқ узиб салют берди...

Ўша ғалаба салютининг садолари ўн йиллар ошa бизгача етиб келди ва уларнинг акс садоси Москва ҳарбий музика билим юртининг ёш барабанчилари майдонда чалаётган барабанлар овозида эшитилиб турибди. Ғалаба юбилей парадини очиш уларга, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг невара ва чевараларига ишониб топширилган.

Барабан садоларидан кейин оркестр овози янграйди. Одамлар завқ-шавқ билан қўл силтаб туришибди: майдонда Ғалаба байроғи олиб ўтилмоқда. Бу ўша Ғалаба байроғи эди... Бу байроқ ачиқ тутунларни ёриб ўтиб, 30 апрель куни соат 21 дан 50 минут ўтганда мағлуб рейхстаг узра ҳилпирай бошлаган эди. Ана шу оддий Қизил байроқ тарихда Ғалаба байроғи бўлиб қолди.

Уни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони авиация маршали Н. М. Скоморохов кўтариб бормоқда. Уруш вақтида у қирувчи учувчи бўлган эди. Машҳур учувчи 605 марта жанговар парвоз қилиб, 143 та осмон жангида шахсан ўзи душманнинг 46 самолётини, группа жангларида эса саккизта самолётини уриб туширди. Эндиликда у Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академиясининг бошлиғи, учувчилар янги авлодларининг тарбиячисидир.

Байроқдор ёнида бораётган кишилар — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Шуҳрат орденининг тўла нишондори Н. И. Кузнецовнинг, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Шуҳрат орденининг тўла нишондори П. А. Литвиненконинг, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари С. А. Неустроев билан Н. М. Фоменконинг фронтга оид таржимаи ҳоли ҳам худди шунингдек бойдир.

Кўҳна Кремль деворлари ёнида Ғалаба байроғи ҳилпирамоқда. Номи ҳар бир кишига маълум бўлган инсон — М. В. Кантария бу байроқни алоҳида ҳаяжон билан кузатиб турибди.

— Гитлерчилар рейхи пойтахтига ҳужум қилиб бораётган 3-зарбдор армиянинг ҳарбий кенгаши,— деб эслайди Мелитон Варламович,— рейхстаг узра ўрнатиш учун дивизиялар сонига қараб тўққизта байроқ таъсис этганлигини билар эдик. Бизнинг байроғимиз дастасига бешинчи тартиб номери ўйиб ёзилган эди, аммо биз биринчи бўлиб етиб боришга муваффақ бўлдик...

СССР Давлат байроғининг аниқ нусҳаси бўлган ана шу байроқ гитлерчилар уясидан атиги бир неча юз метр нарида, Берлин чеккасида шошилинч равишда тайёрланган эди. Уни қизил рангдаги оддий ип газламадан ясашди.

Михаил Егоров билан Мелитон Кантария ўзларидан кўра байроқни кўпроқ эҳтиёт қилиб, бутун уруш мобайнидаги энг оғир ва энг асосий тепаликни забт этишга киришдилар. Ниҳоят улар рейхстаг гумбази устига чиқиб олдилар. Май шамоли байроқни очиб юборди ва у Берлин узра қирмизи рангда ҳилпирай бошлади. Душман шиддатли ўт очди. Ғалаба байроғи тўғрисида солдат ҳақида гапираётгандек етти жойдан ўқ еган деб айтиш мумкин.

Кейинчалик, Москвадаги Ғалаба парадига жўнатиш олдидан унда ёзувлар пайдо бўлди. Бу ёзувлар байроқ 1-Белоруссия фронти 3-зарбдор армиясининг 79-ўқчи корпусидаги II даража Кутузов орденли 150-Идрицк ўқчи дивизиясига тегишли эканлигидан далолат берарди. Бу — жасорат шажарасидир...

— Ғалаба байроғи парадда қандай зўр завқ-шавқ билан кутиб олинганлиги ёдимда, дейди Мелитон Варламович. Бу байроқни кузови устига жуда катта глобус ўрнатилган автомашинада майдондан олиб ўтишди. Байроқ дастаси урушнинг ғалаба нуқтаси — «Берлин» деб ёзилган доирачага қадаб қўйилганди.

Байроқдорлар ротаси майдонга кириб келади. Баренцденгизидан Болқонгача душманнинг додини берган барча 10 фронтнинг жанговар байроқлари олдинги сафда олиб ўтилмоқда. Бундан 40 йил муқаддам Қизил майдондаги парад учун энг машҳур ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларнинг порох ҳиди анқиб турган 150 байроғи танлаб олинган эди. Бугун ҳам худди шу байроқлар минбарлар ёнидан олиб ўтилмоқда, аммо булар эндиликда ҳарбий шон-шуҳрат ёдгорликлари бўлиб қолган.

(Давоми 3-бетда).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

(Боши 1-бетда)

Бугун биз чуқур маънога тўлиқ воқеанинг гувоҳлари бўлдик. 1945 йилги афсонавий Ғалаба парадининг қатнашчилари ва уларнинг қўлларидан жанговар байроқларни қабул қилиб олган жангчилар Қизил майдондан бир текис саф тортиб, ёнмаён юриб ўтдилар. Шу парадни кўрган ҳамма кишилар: Советлар мамлакатининг ишончли ҳимоячилари, мустаҳкам мудофаа қалқони борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар, деб ўйлайман.

Ғалаба Улуғ Октябрь бошлаб берган бунёдкорлик фаолиятига яна қайтиш имконини берганлиги учун ҳам бизга азиздир. Тинчлик билан ўтган қирқ йил мобайнида кўп, жуда кўп иш қилинди. Шу йилларда совет халқининг ижодий куч-қудрати янада қулф уриб яшнади, социализмнинг тарихий устунликлари янада тўла-тўкис намоён бўлди.

Ўтган урушдаги Ғалаба каби, халқимизнинг меҳнатдаги зафарлари ҳам ленинчи коммунистлар партиясининг раҳбарлик, етакчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган. Партия совет кишиларининг сидқидил ишончини қозонди, халқ бахт-саодати йўлидаги, унинг порлоқ келажаги йўлидаги фидокорона, тинимсиз кураши билан зўр обрў-эътиборга сазовор бўлди. Партия ўзининг жамиятимиз ривожидаги катта босқич бўлиб қоладиган XXVII съездига ишонч ва умид туйғуси билан тайёргарлик кўрмоқда.

Ғалаба куни биз Ватан озодлиги йўлида, келажак авлодларнинг ҳаёти йўлида жон берган барча кишиларнинг жасорати олдида қайта-қайта таъзим қиламиз. Ҳалок бўлган қаҳрамонлар Тошкент госпиталларида жароҳатдан вафот этган жангчилар кўмилган жойдаги мотамсаро Она ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг Ҳарбий кенгаши номидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан, Монголия Халқ Республикаси ва Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги Бош консулхоналари номидан, кўпгина меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари номидан энди-гина узилган гуллар ва гулчамбарлар қўйилди.

Ёш тошкентликлар гуллар қўя туриб, коммунистик идеалларга содиқ бўлиб қолишга, ҳалок бўлган жангчилар хотирасини ўз қалбларида муқаддас сақлашга, ўзларининг бутун куч ва ғайратини совет Ватанининг шоншуҳрати ва куч-қудратини ошириш учун сарфлашга қасамёд қилдилар.

Гуллар ва гулчамбарлар қўйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Ғ. З. Захириддинов, Б. Р. Раҳимов, С. У. Султонова, А. Р. Хўжаев ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

АВЛОДЛАР ХОТИРАСИ

Совет кишилари социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлганларнинг ҳаёти ва ўлими ҳақида ёзилган ҳужжатлар Ленин номидаги майдонга одамлар оқими тинмай келиб турди. Улар Ильич ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига, уруш йилларида тушган тажриба бизнинг зиммамизга сергак бўлиш, тинчликни кўз қорачиғидек ардоқлаб асраш, уруш хавфига қарши курашиш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат суверен ҳуқуқига қарши қўлланилган ҳар қандай ҳамлаларга қатъият билан қарши чиқиш мажбуриятини юклайди.

Ғалаба куни — холис ният кишилар бирлашадиган кун. Ўтган урушда тараққиёт ва демократия идеалларини азиз билган ҳамма кишилар бирлашишга, бир ёқадан бош чиқариб умумий душманга қарши курашишга муваффақ бўлдилар. Дунёқарашдаги, синфий, сиёсий позициялардаги тафовутларга қарамай бирлашдилар. Бирлашиб туриб, реакция, милитаризм, агрессиянинг ёвуз кучларини ер билан яксон қила олдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси тарих саҳифасигина бўлиб қолмаслиги керак.

Ҳозирги дунё мураккаб ва нотинч бўлиб турибди. Бинобарин, ҳозир инсоният боши узра таҳлика солиб турган уруш хавфини даф қилишдан ҳам, ядровий упирилишни тўхтатиб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Халқлар ўз раҳбарларининг давлат донишмандлигига улар шу энг муҳим вазифани бажариш учун реал нималар қилганлигига қараб ҳукм чиқармоқдалар ва ҳукм чиқарадилар.

Халқаро муносабатларда сиёсий ақл-заковат, самарали ҳамкорликка бўлган хоҳиш-ирода тантана қилишига КПССнинг ишончи комил. Ҳозирги жаҳон сиёсатининг проблемалари нақадар ўткир, мураккаб бўлмасин, улар фақат бир йўл билан — музокаралар йўли, сабр-тоқатлик, амалий мулоқот йўли билан ҳал этилиши мумкин ва лозим. Бизнинг партиямиз, бизнинг совет давлатимиз айни шу йўлдан бормоқдалар ва келгусида ҳам шу йўлдан боравералар.

Рус тилида ҳаммамиз учун азиз бўлган «Мир» сўзининг иккита маъноси бор. Мир — «планетамиз» демак. Мир — «тинчлик» демак. Бу тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Барча халқлар учун ҳам бу тушунчалар ажралмас бўлиб қолсин.

Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шарафига, улуғ совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари шарафига табрик сўзлари айтишга изҳозат бергайсиз!

Яшасин бутун дунёда тинчлик, ер юзи барча халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

Сизларни Ғалаба байрами билан яна бир бор муборакбод этаман, азиз ўртоқлар, дўстлар; муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

(Нутқ зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

* * *

Қардошларча, самимий вазиятда ўтган қабул маросими вақтида байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

ҒАЛАБА САЛЮТИ

Тўплардан берилган байрам салютининг ёғдулари 9 Майда Москва осмонини чароғон этди.

Мушакбозликнинг нурафшон гулдасталари соат 22 да одамларга қувонч бахш этиб, шаҳар узра сочилди.

Ватанимиз пойтахти шаҳарнинг 26 жойига ўрнатилган тўплардан бир йўла қирқ марта ўқ узиб Улуғ Ватан урушида совет халқи кўрсатган мислсиз жасоратни шарафлади.

Мушакбозликнинг ҳар бир ёғдуси — ўтган жанглар оловининг шуъласидир. Бу — Орёл ва Белгород озод этилганлиги шарафига берилган дастлабки Ғалаба салютларимизнинг акс-садосидир. Бинобарин, шу дақиқаларда ҳар биримиз 1945 йилнинг 9 майида Москва осмонини нурафшон этган энг асосий салютни эсладик, албатта. Ўша вақтда мингта тўпдан бир йўла 30 марта ўқ узилганлиги машақкатли кўп қон тўкилган уруш тугаганлигидан дарак берди.

Ўша даҳшатли йилларда Москва ҳалоскор Совет Армиясининг қаҳрамонона ғалабаларига жами 353 марта салют берди. Баъзи кунлари тўплардан бир неча марта салют берилганлиги ҳам маълум. 1944 йилнинг 27 июлида, 1945 йилнинг 19 ва 22 январида худди шундай бўлган эди.

Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига берилган салют 1945 йилнинг очиқ май кунини кишилар хотирасига солди. Фронтда ва мамлакат ичкарисида бутун куч шу кунга бағишланган эди. Рангбаранг нурлар билан ёритилган осмон халқ шоду ҳуррамлигини тўла ва ёркин акс эттирди. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари шаҳарнинг безатилган майдонлари ва кўчаларида юбилей мушакбозлигидан дилдаги қувончга тўлиб ўша даврдаги кайфиятни яна ҳис этгандек бўлдилар.

Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўпдан ўқ узиб байрам салюти берилди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИК—ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ҚОЛАМИЗ!

(Боши 2-бетда).

Солдат учун жанговар байроқдан кўра азизроқ нарса йўқ. Солдат байроқ остида туриб, Ватанга содиқ бўлиш тўғрисида қасамёд этади ва уни ҳимоя қилади. Совет жангчиларининг ҳозирги авлодлари байроққа тенглашиб, ўзининг фахрли гражданлик ва ватанпарварлик бурчини адо этмоқдалар. Бугун тантанали парадга олиб чиқилган жанговар қисмларнинг байроқлари муносиб қўлларга топширилган эстафетадир.

Минбарда турган кишилар Улуғ Ватан уруши йилларида ўзларини сўнмас шон-шуҳрат билан бурқаган одамларни табриклайдилар: майдонда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари колоннаси ўтиб бормоқда. Генераллар ва сержантлар, оддий аскарлар ва маршаллар бир сафда қадам ташлаб бормоқдалар. Ҳозир уларнинг ветеран деган битта унвони бор. Жангчилар ўзларининг жанговар ишини фидокорона ва ҳалол бажардилар. Бу ишни улар эмас — Ватан жасорат деб атади. Уруш йилларида 11600 дан кўпроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

Кўкрагида жанговар хизматлари учун берилган Олтин юлдуз ёнида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузи ярқираб турган кишига синчиклаб назар ташлайлик. Бу шоирнинг «жанг учун, меҳнат учун медаль бир хил металлдан қуйилар» деган сатрининг жонли ифодасидир. Ўзиюрар артиллерия установкасининг ҳайдовчиси В. И. Головченко Венгрияни озод қилиш чоғида кўп жойидан яраланганига қарамай, якка ўзи бир неча соат давомида танкларга қарши мудофаада турди. Ғалабадан кейин қадрдон Таманига қайтиб келиб, комбайнни бошқара бошлади. Кейинчалик Василий Иванович янги «Азовский» узумчилик совхозининг директори бўлгач, бурган босган, ажал келтирувчи миналар кўмиб ташланган далани хавф-хатарга қарамай, шудгор қилиб, уни саперлар кетидан шахсан ўзи бороналади. Энди бу ерда собиқ солдат ифтихори — оппоқ кўркам посёлка қад кўтарди.

Ҳозирги армия ёшлари қадамини том маънода Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари қадамига мослаштириб бормоқдалар. Тинчлик даврида интернационал бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун парад қатнашчиларидан майорлар Р. Аушев, Г. Кучкин, В. Пименов, А. Солуянов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган.

Жангчига ҳар бир мукофот азиз, аммо улар орасида фронтчилар алоҳида қадрлайдиганлари ҳам бор. Солдатлик шавкатининг олий нишони — Шуҳрат ордени шулар жумласига кирар эди. Урушнинг асосий заҳматкаши учун мўлжалланган мукофот олий ҳарбий бошлиқларга топшириладиган «Ғалаба» ордени билан бир кунда таъсис этилганлиги диққатга сазовордир. Чунки — солдат жасорати ва саркарда истеъдоди бир-бири билан чамбарчас боғланган, албатта.

Уруш йилларида бир миллиондан кўпроқ жангчи II—III даража Шуҳрат ордени олди, икки ярим мингга яқин жангчи бу орденнинг тўла кавалери бўлди. Шуҳрат ордени тўла кавалери бўлиш учун учта орден кифоя қилади. Аммо солдат ордени тўла кавалерлари колоннасида майдонда ўтиб бораётганлар орасида В. С. Налдиннинг кўкрагида тўртта тўқ пуштиранг юлдуз порлаб турибди. Жангларда шундай ҳам бўлардики, мукофот абжағи чиқиб кетган фронт йўлларида ўз соҳибини тополмасди. Василий Савельевич билан ҳам шундай бўлган. «Комплект»дан ташқари тўртинчи Шуҳрат орденини урушдан... 37 йил ўтгач олди. Маълум бўлишича, бу орден билан у 44 йилдаёқ мукофотланган экан. «Адашган» мукофотлаш варақасида маълум қилинишича, Сичково қишлоғидаги жангда сержант Налдин юз метр масофадан туриб ўзининг 76 миллиметрли тўпи билан фашистларнинг «Фердинанд» танкини ҳамда юзта пиёда аскарини қириб ташлаган.

Қизил майдон бошидан кўп воқеаларни кечирган. Лекин шон-шараф қозонган шунча қаҳрамонни бирданига анчадан буён, 45-йилдаги Ғалаба парадидан буён қабул қилмаган эди. Биз учун бу тарих саҳифаси, ҳозир майдонга кириб келаётганларнинг эса таржимаи ҳоли саҳифаси.

Жангларда энг кўп намуна кўрсатган жангчилардан тузилган барча 10 фронт ва Ҳарбий Денгиз Флотининг йиғма полклари ўша тарихий парадда қатнашган эдилар. Бу парад 1945 йилнинг 24 июнида Москвада бўлиб ўтган эди.

— Мен алоҳида батальон составида эдим,— дейди ўзининг таассуротлари билан ўртоқлашиб, истеъфодаги сержант, Москвадаги «Пролетарский труд» заводининг слесари Леонид Иванович Казаков.— 200 нафар бўйчан, жасур солдат ҳақиқатан ҳам алоҳида вазифани — Мавзолей пойига гитлерчилардан ўлжа қилиб олинган байроқларни улоқтириш вазифасини бажариш учун танлаб олинганди. Фашист маразларининг ифлос буюмидан қўлимиз ҳаром бўлмасин деб, бизларга бу иш учун чарм қўлқоп беришди. Ўргимчаксимон свастика белгиси туширилган байроқларни майдонга судраб келдик. Газетачилардан кимдир бу байроқларни «бамисоли супургидек» олиб ўтишди, деб ёзган эди. Уларни Мавзолейгача олиб келиб, барабанларнинг оҳанглари остида махсус қурилган тахта супага улоқтирди. Биринчи бўлиб Гитлернинг шахсий байроғи улоқтирилди. Бу байроқ билан 41-йилнинг кузида Москва Кремлида ўз қўшинларининг парадини қабул қилмоқчи эди. Ҳақиқатан ҳам ўшанда парад бўлганди. Фақат бизнинг совет парадимиз — Октябрнинг 24 йиллиги шарафига ўтказилган парад бўлган эди. Мен ўша парадда қатнашиб, жанговар дўстларим билан бирга тўппа-тўғри фронтга жўнаб кетган эдим. Фронт эса унча узоқ эмасди. Берлингача анча масофа бор эди, ҳеч қиси йўқ, унга ҳам етиб бордик...

45-йилги парадда совет жангчилари билан бирга польшалик қуролдош қардошларимиз ҳам қатнашган эдилар. Улар совет пойтахтининг бош майдонидан Польша армиясининг байроқларини кўтариб ўтишганди: «— Бу гун Қизил майдонда янгиланган Польшанинг шон-шуҳрати билан чулғанган бу байроқларнинг иштирок этиши, деб ёзган эди совет газеталари,— бундан буён Совет Иттифоқи ва демократик Польша халқларини бирлаштириб турган қудратли ва бузилмас дўстликнинг гўзал рамзидир».

Бундан 40 йил илгари бўлгани каби яна Кремль деворлари бўйлаб бошқа ветеранлар қатори Польша қўшинининг ветерани, ҳозир генерал, мамлакат мудофааси жамиятининг раиси З. Хушча ўтиб бормоқда. 45-йилда ёш офицер кўп жангларда қатнашган Польшанинг 20 жанговар байроқларидан бирини кўтариб ўтган эди. Ўшандан сал илгарироқ, 1943 йил 12 октябрда у ўз ватандошлари билан биргаликда совет жангчилари билан елкама-елка туриб, Белоруссиянинг Ленино шаҳрида дастлабки жангга кирган эди. Шундан кейин Смоленск, Варшава, Берлинга жанг қилиб бордилар.

— Жанговар ҳамдўстлигимиз қай тариқа туғилиб, камол топганини сира унутмайман, дейди у.— Дастлабки жангда мен совет батареяси командирининг кузатув пунктида тургандим. Командир «Эркин ва мустақил Польша учун — ўт оч!» деб буйруқ берган эди. Интернационал қардошлик руҳи билан суғорилган бу сўзларни эшитганимизда биз, поляк жангчилари ўзимизни қандай ҳис этганлигимизни сўз билан ифодалаш қийин! Ғалаба парадида Чехословакия Қуролли кучларининг ветеранлари ҳам қатнашдилар. Биринчи Чехословакия армия корпусининг шонли таржимаи ҳоли Харьков ёнидаги Соколово қишлоғидаги жангдан бошланган эди. Шу ердаги жангда Я. Махач жанговар сабоқ олди. Ўша пайтда у солдат эди. Ҳозир у генерал.

— Фашизмга қарши умумий жангда мустаҳкамланган жанговар қардошлигимиз анъаналари Варшава Шартномасига асос қилиб олинган. Унинг амал қилиш муддати яқинда узайтирилди, — дейди ветеран. — Мудофаа иттифоқимизнинг мақсади инсонпарвар ва олижанобдир: у ҳеч кимга хавф-хатар солмайди, тўла-тўкис тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган. Тарих бизни ҳушёр бўлишга ўргатди. Халқаро хавфсизлик хатари кун тартибида турар экан, Варшава Шартномаси аъзолари бўлган мамлакатлар бундан буён ҳам ўзларини ҳар қандай хамлалардан асраш учун барча зарур ишларни қилаверадилар. Бу ҳақда ҳаммамизнинг муштарак фикримизни ифодалаб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кеча Кремлда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда қилган докладида қатъий ва очиқ-ойдин гапирди.

Улуғ Ватан урушининг умумхалқ характерини партизанлар ҳаракатининг оммавий миқёслари ғоят ёрқин ифодалаб берди. Унинг иштирокчиларини халқ қасоскорлари деб жуда ифодали ва аниқ қилиб айтишарди. Гитлерчилар қўмондонлиги фронтдаги ҳар ўн солдатидан бирини партизанларга қарши курашга сафарбар этишга мажбур бўлди. Лекин бу ёрдам бермади: совет замини бўйсунмас замин бўлиб қолаверди. Бир миллиондан зиёд ватанпарвар партизанлар қўшилмаларида жанг қилди, салкам 2 миллион киши яширин ҳаракатда иш олиб борди.

Мана энди улар майдонда ғолиб жангчиларнинг умумий сафида — фронт орқасидаги фронт жангчилари ўтиб бормоқдалар.

Партизанлар жонажон диёрларида ва уйларидан олисда — қаерда жанг қилишмасин, ҳар бир қарич ер — уларнинг Ватани эканлигини, ўзларининг умумий совет Ватанини ҳимоя қилаётганликларини билишарди.

— Октябрнинг асосий зафарларидан бири бўлган ленинчи миллий сиёсат ўша йиллардаги қаттиқ синовлардан шараф билан ўтди,— дейди партизанлар бригадасининг собиқ командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Латвия Фанлар академиясининг бош илмий секретари В. П. Самсонс. — КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлган учрашувда ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтилганидек, ветеранларнинг гражданлик бурчи ўзининг анъаналарини ёшларга етказишдан, ёшларда синфий онгни, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмни тарбиялашдан иборат.

Халқ қасоскорларининг ўзига хос тактикаси бўларди. Шунга кўра, улар байроқларини баралла кўтариб, жангга киришмасди. Душманни ғафлатда қолдириш — уларнинг шиори эди. Аммо тантанали дамларда «Байроқ остида, олға!» командаси ҳам янграб турарди. Мана бугун ҳам Қизил майдондан ўтиб бораётган собиқ партизанлар чеҳрасида қизил байроқлар нури жилоланиб турибди. Уларнинг боши узра икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Фёдоров қўмондонлик қилган афсонавий партизанлар бирлашмасининг қирмизи ялови ҳилпираб турибди. Бу байроқ парадда душманга сичқоннинг уясини минг танга қилган халқ қасоскорлари барча отрядларининг жанговар байроқлари сифатида ҳилпирамоқда.

— Қўрқув фашист босқинчиларининг доимий йўлдоши эди, — деб ҳикоя қилади биринчи Бобруйск бригадасининг собиқ командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Ливенцев. — Озод этилган Минск қандай манзарада кўз олдимизда гавдаланганлигини асло унутмайман. Биз шаҳарга Қизил Армиянинг олдинги қисмлари билан бирга кириб келгандик. Немислар яшаган барча уйлар тиканли симлар билан ўраб ташланганди. Босқинчиларнинг бу маҳсулотга иштаҳаси шундай зўр эдики, эшелонлар уни Германиядан ташиб улгурмасди. Шундай ҳоллар ҳам бўларди: фашистлар ўз ғанимлари ва қурбонларини тиканли симлар билан ўралган жойга ҳайдаб келтириб, айни пайтда қасосдан яшириниш учун шу ерда жон сақламоқчи бўлишарди. Бундан ҳеч нима чиқмади! Фюрер ўзининг кўпгина гумашталарига Белоруссиянинг 30 гектардан ерини умрбод фойдаланиш учун улашиб бераман, деб ваъда қилганди. Уларга атиги 3 метр жой кифоя қилди, холос...

Тинч меҳнат кишилари, меҳр-оқибатли меҳнат кишилари майдондан ўтиб бормоқда. Ўша пайтда улар амалга оширган ишлардан немис босқинчилари ваҳимага тушиб, оёғи куйган товуқдек зир югурарди. Уруш йилларида партизанлар 21 мингдан зиёд поездни ағдариб юбордилар. 12 минг кўприкни портлатиб, ёндирдилар, минг-минглаб фашистларни ер тишлатдилар ва аср қилиб олдилар.

Фронтчилар ва мамлакат ичкариси меҳнатчиларининг жасорати ҳарбий йилномага тенг бўлиб кирди. Шу боисдан Қизил майдондаги парад колонналарида ҳам улар бугун умумий сафда ўтмоқдалар. Кўкракларига қизил бант қадаб ва ўзларининг жанговар туғи, ВКП (б) Марказий Комитети ва давлат мудофаа комитетининг кўчма Қизил байроғини Сормово заводи ишчилари олиб ўтишмоқда. Байроқ корхонага умрбод берилган эди. Уруш йилларида бу завод бошқа минг-минглаб корхоналар каби Совет Армиясининг жанговар аслаҳахонасига айланган эди. Ғалаба шамширини бутун мамлакат тоблаган эди. Бу шунчаки сифатлаш учун айтилаётган чиройли ибора бўлмай, фактларни қайд қилишдир.

Волгоград трактор заводининг собиқ директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Семенов билан уруш йиллари Марказий Комитетнинг Ленинградда Киров заводи парторги бўлган М. Д. Козин бир қаторда қадам ташлаб боришмоқда. Уларнинг тақдири бир-бирига ўхшаш. Урушгача ҳар иккови трактор ишлаб чиқариш билан шуғулланарди, уруш йиллари эса танк ишлаб чиқара бошлашди. Ҳар иккови учун жонажон завод фронтга айланди. Сталинград заводи Волга мустаҳкам қалъаси ҳимоячиларининг қўрғони бўлиб қолди. Киров заводи фронтнинг олдинги чизиғидан тўрт километр масофа билан ажралиб турарди. Бу завод танк, тўп, снарядларни тинимсиз ишлаб чиқарарди. Ветеранлар эслаша арзигулик воқеалар кўп. Лекин уларнинг асосий ўй фикрлари бугунги кун юмушлари ҳақидадир.

— Энди биз тинч рўйи заминда ишлайдиган машиналар ясамоқдамиз, — дейди Михаил Дмитриевич. — Партия XXVII съезди очиладиган кунгача пландан ташқари янги модификациядаги эликта «Кировец» трактор ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қўйдик.

— Биз қабул қилган мажбурият ҳам салмоқли, — суҳбатга аралашади Валентин Александрович. — Партия анжумани иш бошлайдиган кунгача Волгоград трактор заводи конвейеридан янги моделдаги кучли машиналарнинг дастлабки саноат туркуми чиқарила бошлайди. Бу машиналарни ҳаммадан кўра кўпроқ Дарья Матвеевна Гармаш яхши баҳолайди, деб ўйлайман.

Афсонавий тракторчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ҳозир Рибновск сельхозтехника бўлинмасини бошқараётган бу аёл ҳам мамлакат ичкариси меҳнатчилари колоннаси билан бир сафда бормоқда. Уруш йилларида хотин-қиз трактор бригадалари Бутуниттифоқ мусобақасининг доимий ғолиби — ёш ватанпарварларнинг довруғи бутун мамлакатга таралган эди. У дугоналари билан бирга нормасини икки-уч ҳисса бажарарди. Фронтга ғалла бамисоли қурол-яроғ каби ниҳоятда зарурлигини биларди у.

Мамлакат ичкариси меҳнаткашларининг колоннасига ҳаяжонланмай нигоҳ ташлаб бўлмайди. Буни бирдан-бир «Парад расчёти» деса бўлади. Унинг аксариятини аёллар ташкил қилади. Улар нозик-ниҳол елкаларига унақа-бунақа эркак ҳам чидаш бермайдиган юкни олиб уруш йилларида мислсиз қатъият ва мардлик кўрсатдилар. Мамлакат ичкарисининг кўк дуррачали қаҳрамонлари уруш қаҳрамонлари билан бир сафда қадам ташлаб бормоқдалар. Совет жанговар техникаси илм-фан энг янги ютуқлари билан ғоят илғор технологиянинг қотишмасидир. Унинг баъзи турлари бугун биринчи марта намойиш этилмоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида иш ва сўз бирлиги, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлик, ташаббускорлик, дадиллик, ўз зиммасига масъулият олишга шай туриш юзасидан партия ўртага қўйган шу куннинг асосий шиорларини бутун қалбимиз билан маъқуллаймиз, — дейди Дарья Матвеевна. — Солдатларимиз фронтда ана шундай жанг қилган эди. Мамлакат ичкариси ҳам айни шундай меҳнат қилган эди. Ўша суронли йилларда биз ҳар гал «юқоридан» йўл-йўриқ кутиб, қийинчиликлар олдида саросимага тушиб, сўзда ундай қиламиз, деб, амалда бошқача иш тутганимизда сира зафар қозона олмаган бўлур эдик. У вақтда уруш йиллари эди-да, дейишлари мумкин. Лекин ҳозир ҳам жанг кетяпти, яхшироқ яшайлик, деб жанг қиляпмиз.

Ушбу парад қанчадан-қанча ажойиб тақдирли кишиларни тўплади! Фашистларнинг 62 самолётини уриб туширган уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Кожедуб ҳозир авиация маршали унвони билан табриклаётганларнинг қутловини қабул қилмоқда. Жанггоҳлардан 150 ярадор жангчини олиб чиққан фронтчи ҳамшира Екатерина Демина кўпгина жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган. У ҳамшираларга бериладиган Флоренс Найтингейл медалига ҳам сазовор бўлди. 15 ёшли ўсмирлигида мартенда турган Николай Анишченков ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, завод ҳунар-техника билим юртида ишчи ўринбосарларига мураббийлик қилмоқда... Улуғ Ватан урушининг барча қаҳрамонларининг номма-ном тилга олгимиз келади, афсуски, бунинг иложи йўқ. Ғалабанинг 40 йиллигини кутиб олган жангчи ветеранлар олти ярим миллиондан кўпроқдир. Мамлакат ичкариси меҳнатчилари ҳам миллион-миллиондир. Ҳозир Қизил майдон уларни қарсаклар билан табрикламоқда.

Тарихий парадни ниҳоясига етказган терма полк марши бамисоли кинохроника кадрларидек гавдаланади. Бугунги жангчилар Улуғ Ватан уруши солдатлари формасини кийиб олишган. Улар каскаларда, юк анжомларини кўтариб олишган, қўлларида ҳамиша шай турган ППШ автомати. Уларга оталарининг шинели ярашиб турибди: улар Октябрь ғалабаларини, тинчлик ва озодликни ҳушёрлик билан қўриқлаб турибдилар. Уларнинг чеҳраси Ватанни ҳимоя қилган, Европани озод этган солдатларники каби, ўзи халос этган немис қизалоғини бронза бағрига авайлаб босганича Трептов — паркидаги ёдгорликда бир умр қотиб турган жангчиники каби мардона, ёш. Улар қаришга улгурмаёқ, кўплари ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг кўплари шу таҳлидда фарзандлари ва набиралари сиймосида уйга қайтиб келишди.

Ветеранларнинг кўзлари нам, ахир бу шундай байрам-да. Қувончли ва қайғули байрам. Бу байрам мардлик ва шу ердан яқин жойда Номаълум солдат қабрида ёниб турган олов сингари ўчмас хотира байрами. Ғалаба байрами куни. Кўзларида ёш билан кутилган байрам.

Уруш 20 миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Агар уларнинг ҳар бири хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олганимизда бу сукут қарийб 40 йил давом этган бўлур эди. Эътибор қилинг: қирқ йил! Уйларимиз узра шунча муддатдан бери тўплар сукунат сақлаб турибди. Шу кишилар бизга тинчликни ҳадя этишди. Тинчликни ҳимоя қилиш бизнинг ҳалок бўлганлар олдидаги бурчимиздир...

Фронтчилар ҳарбий шон-шуҳратининг ворислари — СССР Қуролли Кучлари академияларининг намояндалари ўтиб бормоқда. Совет ҳарбий тафаккурининг марказларидан бири, командир кадрларнинг энг кекса маскани — М. В. Фрунзе номли ҳарбий академиянинг тингловчилари марш билан ўтиб бормоқда. Улуғ Ватан уруши саркардаларининг шонли авлоди Г. К. Жуков, К. К. Рокоссовский, И. С. Конев, И. Х. Баграмян, Л. А. Говоров сингариларнинг номи Ғалаба йилномасига олтин ҳарфлар билан битилган... Академиянинг интернационал хизматлари чет элларнинг тўққизта ордени билан тақдирланган: кўпгина қардош мамлакатлар армияларининг офицерлари бу ерда ҳарбий тайёргарликдан ўтишади.

Мавзолей олдида қизил комиссарларнинг авлодлари, В. И. Ленин номли ҳарбий сиёсий академиянинг тарбияланувчилари турибди. Бундан 65 йил муқаддам академиянинг биринчи битируви бўлган эди. Шундан буён академия армия ва флотни матонатли сиёсий жангчилар билан мунтазам тўлдириб турибди.

«Коммунистлар олға!» Комиссарларнинг бу даъвати душманнинг ўқлари дўлдек ёғилаётган дамларда, жангнинг энг оғир дақиқаларида янграрди. Комиссарлар шахсий намуналари билан жангчиларни ҳужумга бошлардилар. Бу кишиларнинг партиявий бурчи, моҳияти ва бирдан-бир имтиёзи, уларнинг истеъдоди ва хизмат мажбурияти ҳамиша олдинда бўлишдан иборат эди.

Ф. Э. Дзержинский номли ҳарбий академия, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский номли бронетанк қўшинлари ҳарбий академияси, В. В. Куйбишев номли ҳарбий инженерлик академияси, Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко номли химиявий мудофаа ҳарбий академиясининг вакиллари парад сафида ўтиб бормоқда. Авиаторларнинг марши остида Ю. А. Гагарин номли ҳарбий ҳаво академиясининг, профессор Н. Е. Жуковский номли ҳарбий ҳаво-инженерлик академиясининг тингловчилари одим ташлаб бормоқда.

Оқ зангори байроқ баҳор шабадасида ҳилпираб турибди. Флотнинг бўлажак офицерлари — М. В. Фрунзе номли Ленинград олий ҳарбий денгиз билим юртининг курсантлари ўтиб бормоқда. Шавкатли қанотли пиёда — десантчи парашютчилар сафи ўзига хос жасурлик ва чаққонликдан далолат бериб турибди. Моссовет номли СССР Хавфсизлиги Давлат Комитетининг Москва олий чегарачилар командирлик билим юрти, денгиз пиёдалари, Ф. Э. Дзержинский номли ички қўшин дивизия жангчилари улардан кейин ўтади.

Минбардагилар майдонда пайдо бўлган армия ва флотнинг ёш вакиллари — Москва, Калинин ва Ленинград ҳарбий билим юртларининг талабалари бўлган суворовчилар ва нахимовчиларни илиқ табассум билан кутиб оладилар. Мамлакат даҳшатли 43-йилда ҳалок бўлган жангчиларнинг оталари изидан бориб, Ватан мудофаачилари касбини танлашга аҳд қилган минг-минглаб болаларни ўз васелигига олган эди. Кремль курсантлари — РСФСР Олий Совети номли Москва олий умумқўшин командирлари билим юртининг талабалари тантанали маршни ниҳоясига етказадилар. Улар ҳаммадан кўра кўп — 112 марта Қизил майдондаги парадларда иштирок этишган. Улар атиги бир марта 1941 йил 7 ноябрда қатнаша олмаган эдилар. Ўшанда ҳам Москва атрофида аёвсиз жанг олиб бораётганликлари туфайли узрли сабаб билан қатнашмаган эдилар.

Параднинг энг навқирон иштирокчилари мавзолей томон интиладилар. Суворовчи ва нахимовчилар минбарларга чопиб чиқиб партия ва давлат раҳбарларига, жангчиларга, байрам меҳмонларига гуллар тақдим этадилар.

Моторлар гулдираши билан яна тарих кириб келади. Афсонавий «Ўттиз тўрт» танклари — иккинчи жаҳон урушидаги энг яхши танклар, тезюрар ва осон маневр қилувчи САУ-100 машиналари кириб келади. Олимлар истеъдоди, ишчиларнинг маҳорати билан яратилган бу даҳшатли жанговар машиналар, майдондан ўтиб бораётган мана шу машиналар Прохоровкадаги танк жангида душманни тор-мор келтирди, Европани озод қилишда ёрдамлашиб. Берлинни штурм қилди. Олдиндаги очиқ машинада мана шу қудратли пўлат оқимга бошчилик қилганлардан бири — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Д. Д. Лелюшенко ўтиб бормоқда.

Парад Совет Армияси қаҳрамонона анъаналарининг кўпдан-кўп ҳаяжонли намуналарини кўрсатди. Мана шулардан бири: ветеран машиналарни майдонга ёш танкчилар олиб чиқишди. Олдинда фронтчининг ўғли жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, оддий солдат Виктор Дюкарев бормоқда. Унинг тўртта оға-инилари ҳам ҳарбий бурчини худди шундай муносиб тарзда адо этмоқда. Улуғ Ватан уруши жангчисининг оиласи амалда барча қўшин турларида хизмат қилмоқда. Ватанни ҳимоя қилиш қўшни танклар ҳайдовчиларининг ҳам оилавий анъанасидир. Николай Жиров фронтчи ўғли, Сергей Седофьев эса фронтчининг набираси.

Минбарларда жонланиш юз берди — гвардиячи реактив минометлар олиб кириладили. Окопларда унга қўшиқдаги «Катюша» номи берилганди. Унинг кетидан стволли артиллерия, зенит тўплари ўтади. Душман Совет Армиясининг даҳшат соладиган, ўсиб бораётган кучини синаб кўрган эди. Москва атрофидаги жангда ҳар километр фронтга 40 артиллерия стволи, Берлин яқинидаги жангларда 300 таси тўғри келди.

Бугунги кунда Совет Армияси Советлар мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига ҳамла қилмоқчи бўлган потенциал агрессорни тор-мор келтириш қудратига эгадир. Совет Армияси агрессорга унга қараганда янада қудратли ва қақшатқич зарба беришга қодирдир. Параднинг якунловчи қисми шундан яққол далолат бериб турибди. Унда ҳозирги замон жанговар техникаси қатнашди. Партия, халқ Ватаннинг мудофаа қуввати тегишли даражада бўлиши учун куч-ғайратини аямайди. Ҳозирги мураккаб халқаро шароитда бу энг муҳим заруратдир.

Мамлакатимиз урушдан тинчлик ҳақидаги фикр-ўй билан, инсоният эндигина бошидан кечирган фожиа такрорланишига йўл қўймаймиз, деган қатъий ирода билан чиқди. Аммо океан нарёғидаги сиёсатдонлар бошқа ташвишда эди. Ғолибона 45-йил ҳали тамом бўлмаган эди. Ғалаба нашидасини сураётган Европа Қизил юлдузли чанг босган пилоткасида уйига қайтаётган халоскор солдатларга гуллар тақдим этди. Эльбада учрашган Совет ва Америка жангчилари ҳали бир-бирларининг қўли тафтини эслашарди. Ана шу пайтда АҚШ штаблари бошлиқлари комитетидаги генераллар Хиросимадаги радиоактив ёнғинидан маст бўлиб «СССРда стратегик атом бомбардимони учун энг муҳим бўлган нишонлар рўйхати»ни ўз олдиларига суриб қўйган эдилар. Рўйхат каттагина эди. Москва, Ленинград, Горький, Свердловск, Саратов, Боку, Тошкент —умуман 20 та совет шаҳарларини нишонга олишган эди. Порох тутуни жаҳон узра тарқалмай туриб, янги урушни — ядровий урушни бошлашга тайёргарлик кўрган эдилар.

— Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсий йўлини белгилаб берувчи сиёсатдонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг олижаноб руҳини ажаблантирарли равишда тез эсдан чиқариб юборганликларини афсус билан тан олишга тўғри келади,— дейди Эльбадаги учрашув ветерани, истеъфодаги генерал-майор А. К. Горлинский. У уруш йиллари Американинг «Жуда катта хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. — Совет Иттифоқи сўнгги йилларнинг ўзидагина қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан 130 дан ортиқ конкрет таклиф киритди. Океан нарёғидан ҳам 130 дан зиёд «Йўқ!» деган қатъий жавоб олинди. Шунга қарамай, совет кишилари табиатан оптимистлардир. Биз ақл-идрокка, эзгу хоҳиш-иродага ишонамиз ва унинг ғалаба қилишига умид қиламиз. Қирқ йилдан кейин яна Эльбада қўл олишган америкалик жанговар дўстларим билан учрашувда улар ҳам айни шу фикрда эканликларига ишонч ҳосил қилганимдан хурсандман.


АҚШ армиясининг собиқ лейтенанти К. Жерми Торгаудаги учрашувни ўз ҳаётининг энг ёрқин воқеаси деб ҳисоблайди. У бугун Қизил майдонда Америка ветеранлари группаси билан ўтиб бормоқда.

— Орадан қанча йиллар ўтиб кетган бўлмасин, — дейди К. Жерми, — биз совет ва Америка жангчиларининг жанговар дўстлиги руҳини унутишга ҳақимиз йўқ. Бугунги кунда бизнинг асосий душманимиз — янги уруш хавфи ҳисобланади. Жанг майдонларида курашганимиз каби уруш хавфига қарши биргаликда, қатъият билан курашишимиз керак. Бизнинг делегациямиз мана шундай фикрда бўлган миллион-миллион америкаликларнинг вакилидир. Эльба анъаналари яшаши керак!..

Парад эса давом этади. М. И. Калинин номли мотоўқчи Таман дивизияси кириб келади. Бу дивизия 41-йил сентябрида биринчилардан бўлиб гвардиячи номига сазовор бўлганди. Ҳаво десанти қўшинларининг жанговар машиналари кириб келмоқда. Совет гвардиясининг тантанали маршини Ю. В. Андропов номли кантимеровчи танк дивизияси давом эттиради. Майдонга артиллерия, осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари кириб келади. Оғир машиналарнинг шовқини узоқ-узоқларга таралади, тягачлар тактик ва оператив тактик ракеталарни судраб келади...

— Ракета қуроли уруш ҳақидаги, унинг миқёси ҳақидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди, омон қолиш тушунчасини бутунлай йўққа чиқарди, — дейди икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой. — Мен фронтчиман, уруш йилларида мажақланган, тилка-пора бўлган, тутундан бурқсиган ерни самолётдан кўрганман. Америка президентининг «самовий урушлар» ҳақидаги телбанамо режалари амалга ошадиган бўлса, Ер юзининг аҳволи нима кечишини ўйлаш даҳшатлидир. Космосда туриб барчамизнинг умумий маконимиз бўлган ер ҳақида чуқур ўйга толасан киши. Бизнинг ҳаммамиз замин фарзандимиз, демак, ҳаммамиз бир заминда яшовчи кишилармиз. Бизнинг космосда ҳам ўз Эльбамиз бўлган эди — «Союз» ва «Аполлон» кемаларида биргаликда парвоз қилган эдик. Совет ва Америка космонавтлари космосда туриб қўл қисишганини баъзи кимсалар кўпроқ эслаб туришса яхши бўларди. Бизнинг мамлакатларимиз ҳамкорлик қилишлари мумкин-ку, ахир. Мухолифликдан кўра ҳамкорлик қилиш яхши-ку, ахир... Минг трубали ҳарбий музика оркестри тантанали янграйди. Қизил майдондаги яна бир парад тарихга кириб қолади. Бу ўзига хос парад: уруш алангасидан ўтган Ғалаба байроғи шу байрамни нурафшон қилди. Мана шу байроққа садоқатимиз ҳақида қасамёд қиларканмиз, биз тинч меҳнат жанглари майдонида эришиладиган бошқа ғалабаларни орзу қиламиз. Урушлар, қурол-яроғлар бўлмайдиган ҳаётни, истиқболни, тинчликни орзу қиламиз.

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари **А. Беликов, Л. Бернаскони, В. Жалагония, О. Московский, В. Олейниченко, Н. Севрук** олиб бордилар.







ҒАЛАБАНИНГ ҚИРМИЗИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ИППОДРОМИДА БАДИИЙ ҲАРБИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ

9 май куни Тошкент ипподромида ўтказилган байрам Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган жасоратнинг ўчмас саҳифаларини ва замондошларимизнинг ота-боболаримиз ўз ҳаётини қурбон қилган ишга чексиз содиқлигини, ҳар қандай агрессорга зарба беришга шайлигини ва севикли Ватаннинг куч-қудратини шавкатли меҳнат билан мустаҳкамлашга бўлган муддаосини акс эттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари марказий минбардан жой оладилар.

...Ипподром узра 30 ва 40-йиллар қўшиқлари янграйди, майдонда дастлабки беш йилликлар жўшқинлигини акс эттирувчи кўринишлар намоён бўлади.

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» композицияси томошабинлар кўз ўнгида гавдаланади. Советлар мамлакатининг гражданлари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, қонли жангларнинг шафқатсиз алангасида душман билан олишиб, мамлакат ичкарисида станоклар ёнида ва экинзорларда тинимсиз меҳнат қилиб, муқаддас Ғалаба учун ҳамма нарса ва ўз ҳаётини фидо этиб, уни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, душманни тиз чўктириб, инсониятни фашизм вабосидан қутқариб қолдилар. Мана, майдон марказида тарихий Ғалабанинг рамзи бўлган Қизил байроқ ҳилпирайди.

Томошабинлар ипподром йўлкалари бўйлаб ўтиб бораётган Улуғ Ватан уруши ветеранларини қарсаклар билан кутиб оладилар. Тантанали куй янграйди.

Майдонга болалар —«Ҳар доим бўлсин Қуёш!» спорт-гимнастика композициясининг қатнашчилари югуриб чиқадилар. Композицияда ҳар бир совет кишисининг, барча софдил одамларнинг келгуси авлодлар Бухенвальд даҳшатларини ва Хатин қишлоғи алам-андуҳларини билмасликлари, автоматлар ва бомбардимончи самолётлар овозини эшитмасликлари учун планетада тинчликни мустаҳкамлашга интилаётганлиги ифодаланади.

Байрамнинг энг ёш қатнашчилари чиқишини спортчилар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари давом эттирадилар. Уларнинг рақслари ва машқларида куч ва эпчиллик намоён бўлади.

Байрам салюти садолари янграйди, ипподром узра ССР Иттифоқи ва совет республикаларининг байроқлари тикилган самолётлар пайдо бўлади. Яшил майдонда жамиятимизнинг метиндек бирлигини, мамлакат барча миллатлари ва элатлари қардошларча дўстлигини ифодаловчи композиция намойиш қилинади.

Жангчилар ўзларининг юксак жанговар маҳоратини яққол намоён этадилар.

Тошкент ипподромидаги байрам совет кишиларининг халқимиз революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқатининг, Ватан куч-қудратини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, жонажон Коммунистик партиянинг XXVII съездини муносиб ишлар билан кутиб олишга азму қарор берганликларининг ёрқин намойишига айланди.

Шу куни ипподромда чавандозлар мусобақаси ўтказилди, авиамоделчилар, ДОСААФчи спортчилар ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Байрам ҳукм сурган Тошкентда, республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ сайли ярим тунгача давом этди. Ўзбекистон пойтахтининг марказий кўчалари ва майдонларидан уруш ветеранлари юриб ўтдилар. Байрам мушакбозлиги шуълалари тунги шаҳарни нурафшон этди.

(ЎзТАГ).

• • •

СУРАТЛАРДА: **бадиий ҳарбий-спорт байрамидан лавҳалар.**

Л. Гусейнов фотолари.

(Газетанинг навбатдаги сони 13 майда чиқади)

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

25 МАЙДАН 9 ИЮНГАЧА

«МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»

Н. Островский номидаги Республика мукофоти лауреати

КИЕВ БАДИИЙ —СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.

Томошаларда Халқаро класслдаги спорт лауреатлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликлари совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.

Бадиий раҳбар ва бош балетмейстер —Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Федор ФЕДОТОВ.

Саҳналаштирувчи-балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Елена ГОДНИЧАК.

ТОМОШАЛАР: 25, 26 май, 1, 2, 8, 9 июнда 17.00 ва 20.00 да; 28, 29, 30 май, 4, 5, 6, 7 июнда 20.00 да БОШЛАНАДИ.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА ВА ЯККА ВАКИЛЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 12.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, 46-70-71; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали

«ЎЗБЕКИСТОН ГИЛАМЛАРИ ВА СЎЗАНАЛАРИ» МУЗЕЙИ

ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача, душанба куни соат 10.30 дан 15.00 гача

ОЧИҚ

Сешанба — дам олиш куни.

Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 16-уй. Маълумотлар учун телефон: 33-02-56.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

АҲОЛИГА ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» ЙЎЛИ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА УШБУ АНКЕТАНИ ҚУЙИДАГИ ФОРМАГА БИНОАН ТЎЛДИРИБ ЖЎНАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

Ф. И. О.

Уй адреси

Телефон №

Сиз хизматидан фойдаланаётган «Союзпечать» киоскасининг №

Киосканинг иш режими сизга маъқулми? (ҳа, йўқ)

Эрталаб соат 8.30 минутгача киоскада янги газеталар бўладими? (ҳа, йўқ)

Мазкур киоскадаги «Союзпечать» буюмлари ассортименти сизни қаноатлантирадими? (ҳа, йўқ)

Киосканинг ишдаги фаолиятига сизда эътирозлар борми? (ҳа, йўқ)

Сиз «Союзпечать» киоскаси орқали хизматнинг яна қандай турларидан баҳраманд бўлишни хоҳлардингиз?

Сиз «Тошкент оқшоми» газетасини у босилиб чиққан куниёқ сотиб оласизми?

Жавобларингизни қуйидаги адресга йўллашингизни сўраймиз: Тошкент шаҳар, Широкий кўчаси, 2-уй, Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлиги.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИГАН КУНЛАРИ

Ж. ВЕРНнинг «КАПИТАН ГРАНТ БОЛАЛАРИ» китобига

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ.

10 ВА 11 МАЙДА ҳар бир қабул пунктида 175 тадан абонемент тарқатилади.

Бир йўла камида 10 килограмм макулатура топширилганидан кейин Ж. ВЕРНнинг «КАПИТАН ГРАНТ БОЛАЛАРИ» китобига абонементлар берилади.

Абонемент 20 килограмм макулатура топширилганидан кейин унда кўрсатилган китобни олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Фақат абонементлар кўрсатилганидагина маркалар учун макулатура қабул қилинади.

Абонементлар шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Қолган кунларда эса абонементларнинг маркалар комплектини тўлдириш учун макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Бунинг учун иккиламчи хом ашё сотиб олиш баҳолари 52—01 прейскуранти тасдиқланган: топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, топширилган 1 килограмм жун, жун аралашган латта учун 16 тийин ва топширилган 1 килограмм ип газлама, каноп ва қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Қабул пунктларининг ишлаш тартиби: ҳар куни, жумадан ташқари — соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус — 13.00 дан 14.00 гача, жума куни —11.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача.

Макулатуралар фақат пачкаларга боғланган: турларга сараланган ҳолда қабул қилинади: газеталар, китоб — журналлар, маиший картон ва ўраш қоғозлари гражданлардан уларнинг қаерда туришларидан қатъий назар чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш мақсадида макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пунктларига топшириш китоб савдоси тармоқларига адабиётларнинг тезроқ олинишига хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

13 МАЙДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ БИР ЖОЙДА ТУРИБ ЮГУРИШ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФИ — А. ГРЕБНЕВ.
РЕЖИССЁР — В. ТРЕГУБОВИЧ.

РОЛЛАРДА: А. КАЛЯГИН, Л. ГУРЧЕНКО, В. СМИРНИЦКИЙ ВА БОШҚАЛАР.

Бу кинокомедия софдил, қобилиятли одамларнинг атрофида гирди-капалак бўладиган ишёқмаслар ёки гўё ўзини иш билармон қилиб кўрсатадиган одамларни фош қилади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —10/V да **Икки дил достони** (19.30), 11/V да **Борис Годунов**, 12/V да **Уйқудаги гўзал.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/V да **Зебуннисо**, 11/V да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/V да **Гулсара** (18.00), 11/V да **Олифта**, 12/V да **Ёшликда берган кўнгил** (20.00).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Р. Акопян иштирокида катта цирк томошалари** (10/V да 19.30; 11/V да 16, 19.00; 12/V да 19.30).

кино

10 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **Мир** (тоқ соатларда).

«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Восток** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«КАСКАДЁРЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.15, 20.30).

«КОЗЕРОГ-1» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

11 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **Мир** (тоқ соатларда).

«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Восток** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«КАСКАДЁРЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (13, 15, 18.15, 20.30).

«КОЗЕРОГ-1» — **Лисунов номли** (13, 14, 17, 20.00).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 99-14-59).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИДА

(Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй)

мажлислар залида

18 май соат 15.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

(«Б» корпуси, 551-аудитория)

19 май соат 10.00 да

ФИЗИКА БЎЙИЧА

ОЛИМПИАДА ЎТКАЗАДИ

Олимпиадада Тошкент шаҳри ва областидаги мактабларнинг 10-синф ўқувчилари қатнашиши мумкин.

Олимпиада қатнашчилари олий ўқув юртларига киришда топшириладиган имтиҳонлар даражасидаги савол ва масалаларни ечадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй, «Б» корпуси, 551-аудитория, физика кафедраси («Санъат музейи» бекати), телефон 56-45-14.

Тошкент шаҳридаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

(Намойишлар хиёбони, 5-уй)

1985 йил 20 майгача бюро бухгалтериясида 1983-84 йиллардаги ўзаро ҳисоб-китобларни ТЕКШИРАДИ

Ортиб қолган пул маблағлари шу муддатдан кейин қайтариб берилмайди.

Тошкент давлат медицина институтининг ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ҳамда одам нормал анатомияси кафедраси коллективлари кафедра катта ўқитувчиси И. М. Маҳмудонга акаси

Ғуломназар МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИНИНГ ИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

2 — «Спутник» массиви, 6-квартал, 39-уй, соат 9 дан 22.00 гача, танаффус — 14 дан 15 гача;

3 — Полевая кўчаси, 54-уй, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача;

4 — «Спутник» массиви, 16-квартал, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус — 14 дан 15 гача;

5 — Чоштепа кўчаси, 33-уй, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус 15 дан 16 гача;

7 — Эркин посёлкаси, соат 9 дан 22.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача;

8 — Чоштепа кўчаси, 287-уй, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача;

10 — Чоштепа кўчаси, 140-уй, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача;

23 — Сергели-3, 28-уй, соат 8 дан 21.00 гача, танаффус 13 дан 14.00 гача;

13/1 — «Спутник—8» массиви, 69-уй, соат 8 дан 21.00 гача; танаффус 14 дан 15.00 гача.

Барча магазинлар дам олиш кунисиз ишлайди.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ҲАР ХИЛ СУМКАЛАР КЕРАК

Биз одатда ишга, меҳмонга, магазинга, театрга ва узоқ сафарга йўл олганимизда албатта ўзимизга монанд келадиган сумкаларни қўлга оламиз. Улар ҳамиша ҳамма жойда керак бўлиб туради.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СУМКАЛАРИ (чет эллардан келтирилган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган), ЙЎЛ СУМКАЛАРИ ВА ЧАМАДОНЛАРНИ СИЗ

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»нинг

68-МАГАЗИНИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН



Магазин адреси: Тошкент шаҳри, 4-турар-жой шаҳарчаси (телефон 48-49-72), 80, 23-автобусларнинг «Дубовая» кўчаси бекати).

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Танаффус 14.00 дан 15.00 гача.

Якшанба дам олиш куни.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 55-51-28).

ТРИКОТАЖ ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ

ТРИКОТАЖДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЛИБОСЛАР ҒОЯТДА ЧИДАМЛИДИР.

УЛАР ЕНГИЛ, ИССИҚ ҒИЖИМЛАНМАЙДИ, ЯХШИ ЮВИЛАДИ. ТРИКОТАЖ ЛИБОСЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ЁШДАГИ КИШИЛАРГА ЯРАШАДИ, ҲАР ҚАНДАЙ ОБҲАВОДА, БАЙРАМЛАР ВА ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИДА БЕМАЛОЛ КИЙИШ МУМКИН.

Трикотаж кўйлаклари, жакетлари, кофточкалари, жемперлари, костюмлари баҳор фаслида бебаҳодир.

АГАРДА СИЗ «ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»НИНГ 68-МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛСАНГИЗ ЯНГИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазин 4-турар жой шаҳарчасида жойлашган (23, 49, 48, 72, 80-автобусларнинг «Дубовая кўчаси» бекати).

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.

Якшанба дам олиш куни.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 55-21-28).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТВ

жума

10 МАЙ

● МТ I

18.05 Мультфильмлар: «Пўлат ҳалқа», «Солдат ва боғ».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Александр Покришкин». Телефильм премьераси.
20.15 ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЧССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 Тинчлик велопойгаси. Крылатское велотрассасидан олиб кўрсатилади.
22.25 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. К. Симонов.**
22.55 Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

18.00 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Бўйсунмасларнинг набиралари». Ҳужжатли фильм.
18.55 **«Тинчликнинг биринчи куни».** Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ровесник» киножурнали.
21.00 Дзюдо кураши бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Кўришгунча, оғайни». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
22.25 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/4 финал. «Шахтёр» — «Днепр».

● ЎзТВ I

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.25 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Илҳом»да учрашув».
19.00 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ота-оналар университети».**
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Устахонада». Манзарали фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ғ. Ғулом. «Вақт». Шеърий композиция».
21.10 «Тагиль гулдастаси». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган концерт.** В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Болалик завқ-шавқи». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Шундай аёллар бор» (рус.).
19.05 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Брест қалъаси болалари». Телефильм.

шанба

11 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Лось боласи». Мультфильм.
10.20 **«Тинчликнинг биринчи куни».** Бадиий фильм.
11.50 «Бир дуэт тарихи». Телефильм.
12.10 «Хёрлуф Бидструп Москвада».
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Красний Октябрь»даги учрашувлар». Телефильм премьераси.
15.55 «Лаутар оҳанглари».
16.25 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
17.10 «Қўшиқ инсон билан қолади».
18.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.30 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 **«Чин қалбдан». Белгород тупроғида жанг қилган Улуғ Ватан урушн ветеранларн билан учрашув.**
21.30 «Время».
22.00 Классик куйлардан концерт.
22.45 Футбол шарҳи.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кенже — боғлар макони». Телефильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Ўсимликларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Хлорелла дўстларини излайди». Илмий-оммабоп фильм (Тошкент).
10.15, 14.05 Испан тили.
11.05 Эстетик тарбия. Дам олиш маданияти.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф. Ҳайвонларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.
12.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.30 «Инсон ахборотлар оқимида». Илмий-оммабоп фильм.
13.05 Музика. 4-синф. И. Стравинский. «Петрушка».
13.35 Физика. 6-синф. Энергия ва иш.
14.35 Улуғ Ватан уруши даври адабиёти. 10-синф.
15.05 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Қизил Байроқли Ўрта Осиё ҳарбий округи штабининг духовой оркестри чалади.
19.00 Дзюдо кураши бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
19.30 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг концерти. Танаффус пайтида (20.20) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.00 «Тўйдан олдин Йилга саёҳат». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Севан ҳақида ривоят». Телефильм.
11.10 «Вадик Репин». Ҳужжатли фильм.
11.30 Рус адабиёти. Н. В. Гоголь. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
12.00 «Баҳорги паркда». Музикали телефильм.
12.30 География. Ер шарининг географик қобиғи.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт.
18.35 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.).
19.05 «Қўшиқ сени излаб топади». Музикали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.20 «Поезд Шарққа томон боради». Бадиий фильм (рус.).
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

(мажлислар залида)

18 май соат 15.30 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй (25, 40 э, 61, 66, 161-автобуслар, 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл институти» бекати). Телефонлар: 91-14-40, 99-05-56.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 36-мактаб томонидан **Моллаходжиев Ғайрат Мухсинович** номига берилган 961928 номерли йўқолган

8-СИНФНИ БИТИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хоразм область, Қўшкўпир районидаги 26-ўрта мактаб томонидан **Досчанов Юлдаш Худойберганович** номига берилган 486317 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

10 МАЙ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12607. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.